

Мавзу: Дхш-лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва бизнеснинг кафолатлари ва рисклари.

Режа.

- 1. Давлат-хусусий шерикчилиги рискларининг умумий тушунчалари ва характеристикаси**
- 2. Умумий ва тармоқ лойиҳа рисклари классификацияси**
- 3. Рискни бошқаришга ёндошувлар**
- 4. Рискнинг олдини олиш ва холишлаштириш тадбирлари**

ДХШ доирасида лойиҳаларни амалга ошириш риск билан содир бўлади.



- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган ноқулай ҳолат ва оқибатлар билан боғлиқ ноаниқликдир (инвестиция харажатлари кўпайиши, фойда пасайиши ва ҳ.к.).

ДХШни жорий этиш назарий жиҳатдан давлат ва хусусий сектор рискинни пасайтириши лозим. Ҳокимият ва бизнес ҳамкорлиги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муваффақияти шансларни сезиларли кўпайтиришга имкон беради. Афзалликларини ва рискларни таққослама баҳолаш ДХШни ривожлантириш стратегиясини ва конкрет инвестиция лойиҳалари пакетини шакллантиришни объектив баҳолашга имкон беради.

ДХШ рисклари классификацияси. Лойиҳа рискларини бошқариш тегишли усул ва инструментларни аниқлаш мақсадлари учун охиригисини шартли равишда барча инвестиция лойиҳаларига характерли **анъанавий** ва давлат иштирокчи бўлган лойиҳалар учун вужудга келадиган **ўзига хос** рискларга ажратиш мумкин.

анъанавий рисклар

1. *Лойиҳа-қурилиш рисклари*, объектни лойиҳалаш-қурилиш босқичида учрайдиган ва технология танлаш ва қурилиш ишлари бажарилиши билан боғлиқ:

2. *Молиявий рисклар*, объектни қуриш босқичида кўпроқ юзага келиши мумкин бўлган ва молиялаштириш шароитлари ва лойиҳа иштирокчиларининг ўз молия мажбуриятларига риоя этиш қобилияти билан боғлиқ.

3. *Бошқарув рисклари*, объектни эксплуатация қилиш босқичида юзага келадиган, бунда риск лойиҳа томонидан ишлаб чиқариладиган тушум ҳажмига ва эксплуатация харажатларига кўчади. Мазкур гуруҳ рисклари сезиларли бўлади, чунки прогноз аниқлиги кафолатланиши мумкин бўлмаган узоқ муддат давомида амалда бўлади

Ўзига хос рисклар

1. *Маъмурий-сиёсий рисклар*, яъни, давлат ҳокимияти структуралари фаолияти билан боғлиқ ва лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида юзага келадиган рисклар.

- а) коррупция риси;
- б) бюрократия риси;
- в) қонунчилик риси (меъёрий-ҳуқуқий базанинг ўзгариши эҳтимоли);
- г) солиқ юки қўпайиши риси

2. *Оммавий шерик рисклари*, яъни ҳамкорликдаги лойиҳани амалга оширишда шерик сифатида давлат структуралари иштироқи билан боғлиқ рисклар, лойиҳани амалга ошириш бутун муддати давомида юзага келади ва давлат шерик сифатида тартибга солувчи сифатида таъминланди:

- а) ҳуқуқий таъминот рисклари (лойиҳа бўйича ҳар хил материалларни узоқ келишиш жараёни,
- б) идоралараро мувофиқлаштиришнинг мавжуд эмаслиги (давлат идоралари ўртасида ҳаракатларни мувофиқлаштириш мавжуд эмаслиги
- д) лойиҳадан чиқиш ва амалга оширилган инвестицияларни қайтариш имконияти чекланганлиги.

Хусусий шерик, қоидага кўра, қуйидаги давлат-хусусий шерикчилиги контракти предмети ҳисобланган инфраструктура объектини лойиҳалаштириш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ рискларни зиммасига олади:


- ✓ кундалик эксплуатация ва бошқарув рисклари, улар турли хилдаги рухсатномалар олишдаги кечикишлар, субпудратчилар билан ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда юзага келадиган қийинчиликлар ҳамда режалаштирилган сарфларнинг турли хил ошиб кетиши билан боғлиқ;
- ✓ сотиладиган объектга ёки давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги шартномага мувофиқ тақдим этиладиган хизматларга талаб билан боғлиқ рисклар ҳамда объектни эксплуатация қилишдан ёки хизмат тақдим қилишдан кутилаётган даромадлар билан боғлиқ рисклар (бозор ҳолатини бошланғич баҳоланиши билан таққослагандаги кутилмаган юқори ёки аксинча паст талаб rischi);
- ✓ валюта rischi, кутилмаганда юз берадиган пул қиймати сезиларли қадрсизланиши, пасайиши ёхуд аксинча қиймати ошишидан (валюта курси ўзгариши) иборат, хизмат кўрсатувчиларнинг инвесторларга тўловларни амалга ошириш қобилиятига маълум салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган валюта рисклари.

*Давлат томонидан шерик қуйидаги
рискларни ўз зиммасига олади:*

- ✓ давлат сиёсати мумкин бўлган ўзгаришидан иборат сиёсий рисклар;
-
- ✓ давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги шартнома доирасида лойиҳани амалга ошириш вақтида эълон қилинадиган хусусий компаниянинг банкротлиги билан боғлиқ банкротлик рисклари;
 - ✓ инфраструктура объектини қуриш учун мўлжалланган ер сотиб олишда кўзда тутилмаган мураккабликлар билан боғлиқ ҳамда ер участкаларини мажбурий бегоналаштириш масалалари билан боғлиқ риск.

7.2. Умумий ва тармоқ лойиҳа рисклари классификацияси

Рисклар гуруҳи	Рисклар
1. Лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none">– ишлаб чиқиш муаммоси;– жорий этиш муаммоси;– лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш вариацияси;
2. Қурилиш	<ul style="list-style-type: none">– лойиҳанинг муддати ва қиймати қатъий белгиланиши;– таъминот графиги;– режани тасдиқлаш;– атроф муҳит учун хавфсизлик;– қурилиш вариацияси;– меҳнат низолари
3. Молия	<ul style="list-style-type: none">– молиялаштиришни таъминлаш;– солиқ ставкалари ва солиқ тузатишлари;– солиқ қоидалари;– капитал қўйилмаларни эскалация қилиш баҳоси
4. Бошқариш	<ul style="list-style-type: none">– хизматлар тақдим этиш/инфраструктура объектини қуриш;– хизматлар мавжудлиги / ишлаб чиқариш воситалари;– таъмирлашга ва техник хизмат кўрсатишга харажатлар;– хавфсизлик;– мавжуд қурилиш воситаларининг яширин камчиликлари;– талаб ўзгариши
5. Мулк	<ul style="list-style-type: none">– суғурталанган зиён ёки активлар шикастланиши;– маънавий ва жисмоний эскириш;– давлат ва маҳаллий қонунчилик;– жамоат қарзлари;– активлар қолдиқ қийматини реализация қилиш



ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш — ҳал этиш ҳар бир лойиҳа иқтисодий асосланганлигини таҳлил қилиш йўли билан барча мавжуд рискларни минималлаштиришга ҳамда уларни тўғри структуралаш ва барча манфаатдор томонлар ишларини мувофиқлаштиришга боғлиқ қийин вазифа.

Лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат сектори ҳам хусусий сектор ҳам уларни амалга оширишда мумкин бўлган асосий рискларни белгилаши ва аниқ кўрсатиши лозим.

7.3. Рискни бошқаришга ёндошувлар

Рискларни бошқариш лойиҳанинг бутун ҳаёт цикли давомида амалга оширилади ва рискларни идентификациялаш ва сақлаш вазифасини ҳал этишга уларнинг юзага келишини огоҳлантириш ҳамда лойиҳа манфаатида юмшатишга ундайди.

Рискларни бошқариш бешта стадиядан ўтади

1. Рискларни идентификациялаш. Конкрет лойиҳага хос рискларни ажратиш.
2. Рискларни баҳолаш. Лойиҳанинг олдинги босқичида идентификацияланган рисклар эҳтимолини ва уларнинг миқдорини аниқлаш.
3. Рискларни тақсимлаш.
4. Рискларни юмшатиш. Рискларни ва уларнинг юзага келиши эҳтимолини пасайтириш чоралари.
5. Рисклар мониторинги.

Қонунда ўрнатилган эҳтимолий фарқланишлар (рискларнинг харажатларга

№ т/б	Риск турлари	Лойиҳа бўйича харажатларнинг (тушумлар) тегишли моддалари	Эҳтимолий фарқланишлар
1	Объектни яратиш рисклари	Объектни қуриш, реконструкция қилиш, техник қайта қуроллантириш ва ҳакозоларга сарфлар	[5 %; 12 %]
2	Лойиҳалаштириш ва тайёрлаш тадбирлари рисклари	Лойиҳанинг инвестиция олди босқичига сарфлар, шу жумладан: тайёрлашга сарфлар, объектни жойлаштириш учун ер участкаси сотиб олиш ва ҳакозолар	[7 %; 15 %]
3	Объектни эксплуатация қилиш рисклари	Объектни эксплуатация қилишга, техник хизмат кўрсатишга ва ҳакозоларга сарфлар	[15 %; 25 %]
4	Объектдан фойдаланишдан даромад олиш рисклари	Молиявий натижалар тўғрисидаги прогноз ҳисоботларга мувофиқ ДХШ форматида лойиҳа бўйича аҳолига пуллик хизматларни кўрсатишдан тушган тушумга тенг аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушум	[20 %; 40 %]
5	Бошқа рисклар	Бошқа рисклар, шу жумладан объектдан жудо бўлиш, юқорида кўрсатилган рисклар гуруҳида ҳисобга олинмаган сиёсий ҳодисалар ва бошқалар билан боғлиқ рисклар	[5 %; 10 %]

Концессия лойиҳасини амалга ошириш бўйича рискларни пасайтириш мақсадида қуйидагиларни кўзда тутиш тавсия этилади .

- ✓ назарда тутилмаган инвестицион ва операцион сарфларга захира маблағлари, лойиҳа ташкилотининг мумкин бўлган хатолари сабабли, қурилиш жараёнида лойиҳа қарорларини қайта кўриб чиқиш, шерик томонидан тўловларни ёки бошқа ҳисоб-китобларни назарда тутилмаган пайсалга солиниши ва ҳакозо;
- ✓ лойиҳани (қурилиш) амалга оширишда назарда тутилмаган кечикиш ҳолатига вақт захирасини яратиш мақсадида алоҳида турдаги қурилиш, монтаж ва бошқа ишларни бажариш муддатлари кўпайиши;
- ✓ технологик ускуналарини рад этиш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўқотишлари ва ҳакозолар сабабли ишлаб чиқариш (қурилиш) ҳажмини камайтириш.

Рискларни бошқаришга бешта асосий ёндошувлар ажратилади



1. Рискдан сақланиш (агар риск юзага келиши сабабини бартараф этиш ёки ижтимоий хизматлар тақдим этишнинг бошқа шаклини танлаш мумкин бўлса).
2. Рискдан огоҳлантириш.
3. Рискдан суғурталаш (рискларни молиялаштириш учун ҳамма жойда фойдаланиладиган рисклардан суғурталаш режасини сотиб олиш).
4. Рискни шерикчиликнинг рискни самарали бошқаришга имконияти бор иштирокчисига ўтказиш.
5. Рискни қабул қилиш (рискдан йўқотиш юқини қабул қилиш, чунки бошқаришга харажатлар юқори).

7.4. Рискнинг олдини олиш ва холишлаштириш тадбирлари

потенциал риск ҳолатларида ҳатти-ҳаракатнинг учта асосий
варианти мавжуд

Рискни четлаб ўтиш. Ҳатти ҳаракатнинг бу варианти қарор қабул қиладиган шахс имконияти бўлган рискка нисбатан қандайдир ҳаракатни қўлламаслигини билдиради.

Рискдан қочиш. Бунга ўхшаш стратегияга рискка мойил бўлмаган шахслар риоя этади.

Рискни хеджирлаш. Сўзма-сўз бу термин “рискни қўрчалош”ни билдиради ва улар ёрдамида рискнинг салбий оқибатларини камайитириш мумкин бўлишига ёрдам берадиган тадбирлар тизимини ўзида акс эттиради.

ДХШ-лойиҳаларида қўлланиладиган рискни пасайтиришнинг энг кенг тарқалган методларини қараб чиқамиз.

1. *Суғурталаш.* Суғурталаш, хусусан бошқа методлар билан комплексда бизнес-лойиҳани режалаштириш ва амалга оширишда хўжалик rischi даражасини сезиларли пасайтиришга имкон беради.

Суғурталаш икки шаклда амалга оширилиши мумкин:

мажбурий

кўнгилли

суғурталаш.


Кафиллик. Рискни минималлаштиришнинг ушбу тури қарздорнинг маблағлари етишмаслигида кафил унинг мажбуриятлари бўйича кредиторлар олдида жавобгарликни олишни назарда тутади.

Гаров. Рискни пасайтиришнинг ушбу методида гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда кредитор (гаров олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қуювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин, ҳақли бўлади.

1. Рискни тақсимлаш. Кўп ҳолларда рискни пасайтиришнинг ушбу усули лойиҳани бир нечта бажарувчилар (инвесторлар, лойиҳачилар, қурувчилар, буюртмачилар) томонидан ишлаб чиқилган ва реализация қилинган ҳолда қўлланилади.

Маблағларни захиралаш. Кўзланмаган сарфларни қоплашга ресурслар захирасини яратиш, корхона режасини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган рискни компенсация қилишга ва шунинг билан ишдаги турли хил “узилиш”ларни бартараф этишга имкон беради.

United Kingdom



Рискни пасайтириш ва ундан ҳимоя этишнинг у ёки бу методини (методларини) танлагандан ва асослагандан кейин уларни амалиётда қўллаш механизми ишлаб чиқилади, эҳтиёжи ва хусусиятлари баҳоланади. Демак, масалан рискларни суғурталашда қуйидагиларни аниқлаш зарур:

- суғурталашнинг қайси туридан фойдаланилади;
- қайси суғурта компанияси билан ҳамкорлик қилин
- қайси суғурта тизимидан фойдаланилади:



Эьтиборингиз учун рахмат
